ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ХИКМАТОВ АЗИЗ БОБОНАРОВИЧ

СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2026 йил

УЎК 343.985-048.32 (575.1)

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Хикматов Азиз Бобонарович
Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикасини такомиллаштириш 3

Хикматов Азиз Бобонарович
Совершенствование тактики производства допроса как следственного действия 27

Khikmatov Aziz Bobonarovich Improving the tactics of conducting interrogation as an investigative action 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 59

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ

ХИКМАТОВ АЗИЗ БОБОНАРОВИЧ

СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқи ва суд экспертизаси

юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2026 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Yu572 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси веб-сайти (www.proacademy.uz) ва ”ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Астанов Истам Рустамович** юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Имомназаров Алишер Хасанович** юридик фанлар доктори
	Кушаев Нурали Махмудович юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.24/2026.31.01.Yu.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 01 декабрь куни соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871) 202-04-96, e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (111-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсилий кўчаси, 9-уй. Tel.: (+99871) 202-04-96).

Диссертация автореферати 2026 йил 18ноябрь кунида тарқатилди.
(2026 йил 18 ноябрдаги 30-рақамли реестр баённомаси).

В.Каримов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Д.М.Миразов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятларни тергов қилиш амалиётида шахсдан тўлиқ, аниқ ва ишончли маълумот олишга қаратилган сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг самарадорлигини ошириш, уни ўтказишда илмий асосланган криминалистик ва психологик усуллардан фойдаланиш ҳамда мажбурловга асосланган ёндашувлардан ахборот олишга йўналтирилган сўроқ қилиш моделларига ўтиш тенденцияси кузатилмоқда. БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларида қонун устуворлигини таъминлаш ва барча учун одил судловдан тенг фойдаланиш имкониятини яратиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, БРМнинг 16.3.2-индикатори суд ҳукми чиқарилмаган ҳолда қамоқда сақланаётган шахсларнинг жами маҳбуслар таркибидаги улушини одил судловдан фойдаланиш ҳолатини баҳолаш мезонларидан бири сифатида белгилайди[1]. БМТ маълумотларига кўра, дунё бўйича 2025 йилда қамоқда сақланаётган 11,7 млн шахснинг қарийб учдан бир қисми, яъни 3,7 млн нафари судга қадар қамоқда сақланган[2]. Мазкур кўрсаткич сўнгги ўн йилда деярли ўзгармасдан қолаётгани судга қадар иш юритиш босқичида шахс ҳуқуқларини ишончли таъминлаш масаласи долзарблигини сақлаб қолаётганини кўрсатади. Айни пайтда, БМТ Қийноқларга қарши қўмитасининг сўнгги йиллардаги давлатлар бўйича якуний хулосаларида сўроқ жараёнида мажбурлаш ва ғайриқонуний таъсирдан фойдаланиш, иқрор кўрсатувларини олишга ортиқча йўналтирилган тергов амалиёти, адвокат ёрдамидан ўз вақтида фойдаланиш ҳамда сўроқ жараёнини аудиовизуал қайд этиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратиб келинмоқда.

Жаҳонда сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг самарадорлигини оширишга қаратилган криминалистик, психологик ва когнитив тадқиқотлар жадал ривожланмоқда. Хусусан, замонавий илмий ёндашувларда мажбурлов ва айбни тан олдиришга йўналтирилган усуллардан воз кечиб, сўроқ қилинувчи билан психологик алоқа ўрнатиш ва ишончли ахборот олишга асосланган тергов интервьюси моделларини жорий этишга устувор аҳамият берилмоқда[3]. Ривож-ланган давлатларда ахборот олишга йўналтирилган сўроқ қилиш (тергов интервьюси) моделлари, когнитив интервью усуллари, далилларни босқичма-босқич ва стратегик тақдим этиш, заиф тоифадаги шахсларни сўроқ қилишнинг махсус тартиблари, шунингдек, сўроқ

[1] United Nations Statistics Division. SDG Indicators Metadata Repository: Goal 16, Target 16.3, Indicator 16.3.2 — Unsentenced detainees as a proportion of overall prison population // United Nations Department of Economic and Social Affairs. – URL: UN SDG Indicators Metadata Repository. // https://unstats.un.org/sdgs/metadata/?Text&Goal=16&Target=16.3

[2] United Nations Economic and Social Council. Progress towards the Sustainable Development Goals: Report of the Secretary-General. Statistical Annex. E/2025/62, Annex. — New York: United Nations, 2025. — Indicator 16.3.2. // https://unstats.un.org/sdgs/files/report/2025/E_2025_62_Statistical_Annex_I_and_II.pdf?utm_source

[3] Principles on Effective Interviewing for Investigations and Information Gathering (Méndez Principles). – Geneva: Association for the Prevention of Torture (APT), Anti-Torture Initiative (ATI), Norwegian Centre for Human Rights (NCHR), 2021. – 77 p.

жараёнини аудио ва видеоёзувга қайд этиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда мазкур илмий ёндашувларни рақамли технологиялар, автоматик транскрипция ва сунъий интеллект имкониятлари билан уйғунлаштириш сўроқ қилиш тактикасини ривожлантиришнинг янги йўналишларидан бирига айланмоқда[4]. Бу эса сўроқ қилиш тактикасининг замонавий моделларини қиёсий ўрганиш ва илғор ёндашувларни миллий тергов амалиётига мослаштириш заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини ошириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш алоҳида устувор йўналиш сифатида белгиланиб, инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини инсон манфаатларига йўналтириш вазифалари белгиланди. Мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 16 февралдаги ПФ–21-сон Фармони билан тасдиқланган 2026–2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида қонун устуворлигини таъминлаш, давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотларни янги босқичда давом эттириш назарда тутилди. Шу нуқтаи назардан, жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, далилларни қонуний ва ишончли усулларда тўплаш, замонавий ахборот-коммуникация ва аудиовизуал технологиялар имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, сўроқ қилишнинг процессуал ва тактик асосларини такомиллаштириш мазкур суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор вазифалари билан узвий боғлиқ бўлиб, сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикасини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш заруратини белгилайди.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (2023), Жиноят-процессуал кодекси (1994), Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш

[4] Stoykova R., Porter K., Beka T. The AI Act in a law enforcement context: The case of automatic speech recognition for transcribing investigative interviews // Forensic Science International: Synergy. – 2024. – Vol. 9. – Article 100563. – DOI: 10.1016/j.fsisyn.2024.100563.

чора-тадбирларини кучайтириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2016), “Суд-ҳуқуқ фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2017), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020), “Рақамли прокуратура – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2025), “Мамлакат тараққиётининг 2030 йилгача мўлжалланган устувор йўналишлари доирасида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2026) Фармонлари, “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2018), “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (2020) Қарорлари ҳамда мазкур тадқиқот мавзусига доир бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида сўроқ қилиш институти, унинг процессуал-ҳуқуқий, криминалистик, тактик ва психологик жиҳатлари мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлар олимлари томонидан турли даражада тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда сўроқ қилиш ва уни ўтказиш тактикасига оид масалалар Н.Б.Абдурашитова, Ш.Т.Авазова, И.Р.Астанов, Д.Б.Базарова, Ш.Т.Джуманов, Д.М.Миразов, С.А.Исхаков, А.И.Ишанов, Ш.Каримов, Н.Мирзаев, Ю.Рахимов, А.Х.Рахманкулов, С.Х.Шомирзаев, А.Я.Меҳмонов, А.Р.Рахмонов, Х.С.Саматова, Ш.А.Сайдуллаев, Ш.З.Уразаев, Р.Шамсутдинов ва бошқа олимларнинг илмий ва ўқув-услубий ишларида сўроқ қилишнинг жиноят-процессуал ва криминалистик хусусиятлари, уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, сўроққа тайёргарлик кўриш, сўроқ қилишда қўлланиладиган тактик усуллар, сўроқ қилинувчи билан психологик алоқа ўрнатиш, кўрсатувларни олиш, текшириш ва баҳолаш ҳамда сўроқ қилишнинг алоҳида турларига оид айрим масалалар тадқиқ этилган.

Диссертация мавзуси бўйича сўнгги йилларда С.Х.Шомирзаев ва А.Я.Меҳмоновлар томонидан махсус тадқиқот ишлари ўтказилган. Жумладан, А.Я.Меҳмонов сўроқ қилишни тергов ҳаракати сифатида унинг тушунчаси, таснифи, процессуал асослари ва криминалистик хусусиятлари, ўтказиш тартиби ҳамда тактикасини такомиллаштириш масалаларини комплекс ўрганган бўлса, С.Х.Шомирзаев тадқиқотида гумон қилинувчини сўроқ қилишнинг процессуал-криминалистик жиҳатлари, замонавий

хорижий тактик усуллар ҳамда профайлинг методини қўллаш имкониятларига асосий эътибор қаратилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Р.С.Белкин, Н.И.Порубов, А.В.Дулов, А.В.Васильев, А.Г.Филиппов, Г.А.Зорин, В.А.Бахин, Л.М.Карнеева, С.С.Ордынский, С.Я.Розенблит, Н.А.Селиванов, А.В.Гриненко, М.В.Макаренко, Р.Л.Ахмедшин, М.Ч.Когамов, Н.И.Карпов, В.Е.Коновалова, Н.И.Ефимов, В.Ю.Шепитько, А.В.Питерцев, А.А.Степанов, М.Х.Гельдибаев, А.А.Закатов, А.Е.Ямпольский, В.С.Комарков, Л.Я.Драпкин, Е.Р.Россинская, И.А.Понтелеев, И.А.Насонова, И.Н.Якимов, А.А.Кузнецова, И.Ф.Герасимова, Л.Е.Ароцкер ва бошқа олимларнинг илмий ишларида сўроқнинг моҳияти ва турлари, унга тайёргарлик кўриш, психологик алоқа ўрнатиш, тергов вазиятини баҳолаш ҳамда тактик усулларни танлаш ва қўллаш масалалари тадқиқ этилган.

Хорижий олимлардан R.Bull, R.P.Fisher, R.E.Geiselman, G.H.Gudjonsson, S.M.Kassin, G.D.Lassiter, A.Vrij, R.Milne, B.Snook, T.P.Sullivan ва бошқаларнинг тадқиқотларида сўроқ қилишнинг психологик, когнитив ва процессуал жиҳатлари, хусусан, когнитив интервью, ишончли маълумот олиш, сохта иқрорликларнинг психологик омиллари, аудио ва видеоёзувга қайд этиш ҳамда сўроқ қилинувчининг ҳуқуқларини таъминлаш масалалари ўрганилган.

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий ишлари сўроқ қилиш институтининг назарий, жиноят-процессуал, криминалистик, тактик, психологик ва технологик асосларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган. Бироқ мазкур тадқиқотларда сўроқ қилиш билан боғлиқ масалалар, асосан, унинг алоҳида процессуал ёки криминалистик жиҳатлари, муайян турдаги сўроқ қилиш ёхуд айрим тактик усуллар доирасида ўрганилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси жиноят процессида сўроқ қилиш институтининг тушунчаси ва ҳуқуқий табиати, мақсад ва вазифалари, таснифи ва турлари, процессуал тартиби ва кафолатлари, уни ўтказиш тактикаси, натижаларини қайд этиш, масофавий сўроқ қилиш, аудио- ва видеоёзув ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш масалаларини ўзаро боғлиқ ҳолда комплекс тадқиқ этиш, шунингдек миллий қонунчиликни илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш масалалари махсус монографик тадқиқот предмети сифатида етарлича ўрганилмаган.

Шу боис, сўроқ қилиш институтини жиноят-процессуал, криминалистик ва технологик жиҳатларни уйғунлаштирган ҳолда комплекс тадқиқ этиш, унинг назарий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, амалиётда мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда миллий жиноят-процессуал қонунчилик ва тергов амалиётини ривожлантиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган ва

“Жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини қўллашни такомиллаштириш муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади жиноятларни тергов қилишда сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказишнинг назарий, процессуал ва тактик асосларини комплекс тадқиқ этиш, уни ўтказиш амалиётидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда сўроқ қилишнинг процессуал тартиби
ва тактикасини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф, хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг назарий-криминалистик моҳияти, тушунчаси, мақсади ва вазифаларини тадқиқ этиш;

сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг вужудга келиши, тарихий ривожланиш босқичлари ҳамда уни ўтказиш тактикасининг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш;

сўроқ қилишни таснифлаш мезонларини илмий таҳлил қилиш, унинг турларини тизимлаштириш ва ўзига хос тактик хусусиятларини аниқлаш;

сўроқ қилишни ўтказишнинг жиноят-процессуал тартиби ва кафолатларини криминалистик тактикани қўллаш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш, мавжуд ҳуқуқий ва амалий муаммоларни аниқлаш;

сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш, уни режалаштириш ва ўтказишнинг криминалистик-тактик асосларини тадқиқ этиш ҳамда сўроқ қилиш жараёнининг самарали алгоритмини шакллантириш;

сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш амалиётини, шу жумладан жиноят ишларини ўрганиш ва соҳа ходимлари ўртасида ўтказилган сўров натижаларини таҳлил қилиш асосида мавжуд процессуал, ташкилий ва тактик муаммоларни аниқлаш;

хорижий давлатларда сўроқ қилишнинг замонавий криминалистик-тактик моделлари, усуллари, қонунчилиги ва амалиётини қиёсий таҳлил қилиш ҳамда миллий тергов амалиётига татбиқ этиш мумкин бўлган илғор тажрибани аниқлаш;

сўроқ қилишда аудио-видеоёзувга қайд этиш, видеоконференцалоқа, автоматлаштирилган транскрипция, сунъий интеллект ва бошқа ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг процессуал, ташкилий ва тактик имкониятларини тадқиқ этиш ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

назарий, қиёсий ва эмпирик тадқиқот натижалари асосида сўроқ қилиш тактикасини такомиллаштириш, замонавий криминалистик усул ва технологияларни тергов амалиётига жорий этиш ҳамда уларни қўллашнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти жиноят процессида сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда сўроқ қилишнинг криминалистик

тактикасини қўллаш ва такомиллаштириш билан боғлиқ фаолият ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ишни судга қадар юритишда сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш, уни режалаштириш ва ўтказишнинг криминалистик-тактик қонуниятлари, усул ва тавсиялари, уларни тергов вазияти ва сўроқ қилинувчи шахснинг хусусиятларидан келиб чиқиб қўллаш амалиёти, сўроқ қилишни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилик нормалари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятлари, хорижий давлатларнинг қонунчилиги ва илғор тажрибаси, шунингдек жиноят-процессуал ҳуқуқ, криминалистика ва юридик психологияда шаклланган илмий-назарий ёндашувлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда илмий билишнинг умумий усуллари (мантиқий таҳлил, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, тизимлаштириш ва моделлаштириш); хусусий илмий усуллар (тизимли-таҳлилий, таркибий-функционал, тарихий, статистик ва социологик); махсус юридик (формал-юридик, қиёсий-ҳуқуқий, ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш, жиноят-процессуал қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш) усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сўроқ қилишда гувоҳнинг ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқини қонунчиликда мустаҳкамлаш асослантирилган;

сўроқ баённомасида қандай нарсалар, ҳужжатлар ёки электрон маълумотлар кўрсатилганлиги, ҳужжат матнининг қайси қисми ва унинг ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги, нарсаларни, ҳужжатларни ёки электрон маълумотларни кўрсатиш вақтида қандай саволлар берилганлиги ва бунга жавобан сўроқ қилинувчи қандай кўрсатувлар берганлиги аниқ акс эттирилиши кераклиги жиноят-процессуал қонунчиликда белгилаш асослантирилган;

ЖПКга ўзига, оила аъзоларига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатув беришга мажбур этилмаслик ҳақида янги принципни киритиш асослантирилган;

сўроқ қилишга чақиришда SMS-хабарнома, ижтимоий тармоқ, телефон орқали ёки бошқа алоқа воситалардан ҳам фойдаланиш, шунингдек, сўроқ қилишга чақирилган шахс белгиланган вақтда келиши ёки чақирув қоғозини юборган мансабдор шахсни келма олмаслик сабаблари тўғрисида олдиндан хабардор қилиш ҳамда вояга етмаган ва ҳарбий хизматчини чақиртиришга оид қонунчиликка таклиф асослантирилган;

сўроқ қилиш жараёнида ва натижалари соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилган ҳолларда сўроқ қилинувчининг кўрсатувларини аудио- ва видеоёзувлар эшиттирилишига оид нормани қонунчиликка киритиш таклифи асослантирилган;

сўроқ қилиш вақтида шартли тасвирлар, чизмалар, расмлар, диаграммалар тузилиши ва баённомага илова қилинишига оид нормани қонунчиликка киритиш таклифи асослантирилган;

тиббий кўрсатмалар мавжуд ҳолларда сўроқ қилишнинг давом этиш вақти шифокорнинг хулосасига асосан белгиланишига оид нормани қонунчиликка киритиш таклифи асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сўроқ қилишни ташкил этиш ва ўтказишнинг процессуал асослари ҳамда криминалистик-тактик имкониятларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар асосида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш, сўроқ қилинувчи шахсни ўрганиш, тергов вазиятини баҳолаш, психологик алоқа ўрнатиш, эркин баён, саволлар бериш, хотирани фаоллаштириш, версияларни текшириш, далиллардан стратегик фойдаланиш, зиддиятларни аниқлаш, аудио- ва видеоёзувга қайд этиш ҳамда натижаларни таҳлил қилиш босқичларини қамраб олувчи сўроқ қилишни ўтказишнинг тактик алгоритми ишлаб чиқилган;

“Тергов фаолияти” дарслиги тайёрланиб, унда сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш, уни ташкил этиш ва ўтказишнинг процессуал ҳамда криминалистик-тактик асослари, замонавий тактик усуллар ва уларни қўллашга оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

тергов ва суриштирув органлари ходимларининг амалий фаолиятида фойдаланиш учун сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш, уни режалаштириш ва ўтказиш, тергов вазиятига мувофиқ тактик усулларни танлаш ва қўллаш ҳамда замонавий технологиялардан фойдаланишга оид тавсияларни қамраб олган “Сўроқ қилиш тергов ҳаракати тактикаси” номли услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги халқаро стандартлар ва миллий қонунчилик нормалари, хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқ, криминалистика ва юридик психология соҳасидаги умумэътироф этилган илмий-назарий қоидалар ҳамда монографик тадқиқотлар, расмий статистик маълумотлар ва эмпирик материалларни комплекс таҳлил қилиш асосида таъминланган. Тадқиқот доирасида 208 нафар терговчи, суриштирувчи, прокурор, судья, адвокат, профессор-ўқитувчи ва бошқа соҳа мутахассислари ўртасида ўтказилган анкета сўрови натижалари таҳлил қилинган. Шунингдек, 150 дан ортиқ жиноят иши бўйича сўроқ қилиш баённомалари, 400 дан зиёд судларнинг оқлов ҳукмлари ҳамда ЖПКнинг 416–417-моддалари асосида қўшимча процессуал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги суд ажримлари ўрганилиб ва умумлаштирилиб, аниқланган қонуниятлар, амалий муаммолар ҳамда уларни бартараф этишга оид таклиф ва тавсиялар тадқиқот хулосаларини асослашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар ҳамда амалий таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолият, қонун ижодкорлиги, қонунни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг тегишли

нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, шунингдек “Жиноят-процессуал ҳуқуқи”, “Тергов фаолияти”, “Суриштирув ва дастлабки тергов процессуал хужжатлари” ва “Жиноятларни тергов қилиш методикаси” модулларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш, шунингдек жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини ҳамда сўроқ қилишнинг процессуал ва криминалистик тартибини такомиллаштиришга доир қонун ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишга хизмат қилишидадир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг процессуал ва криминалистик тартибини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

сўроқ қилишда гувоҳ ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқини қонунчиликда мустаҳкамлашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 09 июндаги “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига судлар фаолиятининг ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатларини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1067-сон Қонунининг 1-моддасига асосан, ЖПКнинг 66-моддасига ўзгартириш ва қўшимча киритишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2026 йил 08 июлдаги 045-08/2690-сон далолатномаси)*. Мазкур таклифларнинг инобатга олиниши жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтиришга хизмат қилган;

сўроқ баённомасида қандай нарсалар, ҳужжатлар ёки электрон маълумотлар кўрсатилганлиги, ҳужжат матнининг қайси қисми ва унинг ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги, нарсаларни, ҳужжатларни ёки электрон маълумотларни кўрсатиш вақтида қандай саволлар берилганлиги ва бунга жавобан сўроқ қилинувчи қандай кўрсатувлар берганлиги аниқ акс эттирилиши кераклиги жиноят-процессуал қонунчиликда белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-1003-сон Қонуни 1-моддасига асосан, ЖПКнинг 105-моддаси 2-қисмини ишлаб чиқишда фойдаланилган *(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2026 йил 08 июлдаги 045-08/2690-сон далолатномаси)*. Ушбу таклифларнинг инобатга олиниши жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашни янада кучайтиришга хизмат қилган;

ЖПКга ўзига, оила аъзоларига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатув беришга мажбур этилмаслик ҳақида янги принципни киритишга оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги

лойиҳасининг сўроқ қилиш учун чақирувга оид 13-моддасини шакллантиришда инобатга олинган *(Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 8 июлдаги 27/2-269-26-сон далолатномаси)*. Ушбу таклиф жиноят ишини тергов қилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимояси кафолатини янада кучайтиришга хизмат қилган;

сўроқ қилишга чақиришда SMS-хабарнома, ижтимоий тармоқ, телефон орқали ёки бошқа алоқа воситалардан ҳам фойдаланиш, шунингдек, сўроқ қилишга чақирилган шахс белгиланган вақтда келиши ёки чақирув қоғозини юборган мансабдор шахсни келма олмаслик сабаблари тўғрисида олдиндан хабардор қилиш ҳамда вояга етмаган ва ҳарбий хизматчини чақиртиришга оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг сўроқ қилиш учун чақирувга оид 123-моддасини (амалдаги ЖПК 97-моддаси) шакллантиришда инобатга олинган *(Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 8 июлдаги 27/2-269-26-сон далолатномаси)*. Ушбу таклиф жиноят ишини тергов қилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимояси кафолатини янада кучайтириш ҳамда жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг иш вақтини самарадорлигини оширилишига хизмат қилган;

сўроқ қилиш жараёнида ва натижалари соддалаштирилган тартибда расмийлаштирилган ҳолларда сўроқ қилинувчининг кўрсатувларини аудио- ва видеоёзувлар эшиттирилишига оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг сўроқ қилиш учун чақирувга оид 127-моддасини (амалдаги ЖПК 98-моддаси) шакллантиришда инобатга олинган *(Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 8 июлдаги 27/2-269-26-сон далолатномаси)*. Ушбу таклиф жиноят ишини тергов қилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимояси кафолатини янада кучайтириш ҳамда жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг иш вақтини самарадорлигини оширилишига хизмат қилган;

сўроқ қилиш вақтида шартли тасвирлар, чизмалар, расмлар, диаграммалар тузилиши ва баённомага илова қилинишига оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг сўроқ қилиш учун чақирувга оид 129-моддаси 5-қисмини (амалдаги ЖПК 106-моддаси) шакллантиришда инобатга олинган *(Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 8 июлдаги 27/2-269-26-сон далолатномаси)*. Ушбу таклифларнинг жорий этилиши сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг далилий аҳамиятини янада кучайтиришга хизмат қилган;

тиббий кўрсатмалар мавжуд ҳолларда сўроқнинг давом этиш вақти шифокорнинг хулосасига асосан белгиланишига оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг сўроқ қилиш учун чақирувга оид 130-моддаси 2-қисмини (амалдаги ЖПК 107-моддаси) шакллантиришда инобатга олинган *(Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2026 йил 8 июлдаги 27/2-269-26-сон далолатномаси)*. Ушбу таклиф жиноят ишини тергов қилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини ҳимояси кафолатини янада ошириш баробарида тергов ҳаракатини ўтказиш сифатини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та (2 та халқаро, 3 та республика) илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 14 та илмий мақола (6 таси диссертация асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий журналларда, 3 таси хорижий нашрларда, 5 таси халқаро ва республика илмий-амалий конференция тўпламларида) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, еттита параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 153 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритилган. Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, қўлланилган тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси ва эълон қилинганлиги баён этилган.

Диссертациянинг **биринчи боби** “Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг назарий-криминалистик асослари ва ривожланиш босқичлари” деб номланган бўлиб, унда сўроқ қилишнинг шаклланиши ва тарихий ривожланиши, тушунчаси, криминалистик хусусиятлари ва вазифалари, таснифлаш мезонлари, турлари ҳамда уларнинг тактик хусусиятлари комплекс тадқиқ этилган.

Бобнинг “**Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари**” деб номланган биринчи параграфида Ўзбекистон ҳудудида сўроқ қилиш институтининг вужудга келиши ва ривожланиши тарихий-ҳуқуқий манбалар асосида таҳлил қилинган. Таҳлил натижасида сўроқ қилишнинг ривожланиши ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар, исботлаш тизими, шахс ҳуқуқларини таъминлаш даражаси ва техник воситалардан фойдаланиш имкониятларининг ўзгариши билан узвий боғлиқ эканлиги асосланган.

Тадқиқотда сўроқ қилиш институти ривожланишини: *дастлабки ҳуқуқий шаклланиш босқичи* — қадимги даврдан милодий IX асрга қадар; *ислом ҳуқуқи асосида шаклланиш босқичи* — IX асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар; *Чор Россияси процессуал қонунчилиги асосида шаклланиш босқичи* — XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йилга қадар; *совет жиноят-процессуал қонунчилиги асосида кодификациялаш ва процессуал тартибга солиш босқичи* — 1917–1991 йиллар; *миллий жиноят-процессуал қонунчилик асосида такомиллашув босқичи* — 1991 йилдан ҳозирги кунга қадар бўлган

босқичларга ажратиш таклиф этилган. Мазкур даврлаштириш сўроқнинг оддий ахборот олиш воситасидан шахс ҳуқуқлари кафолатланган, процессуал ва криминалистик талабларга асосланган замонавий тергов ҳаракатига айланиш қонуниятларини кўрсатиб беради.

Биринчи бобнинг **“Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг тушунчаси, криминалистик хусусиятлари ва вазифалари”** деб номланган иккинчи параграфида сўроқ қилиш тушунчаси ва ҳуқуқий табиатига доир миллий ва хорижий олимларнинг қарашлари илмий мунозара асосида таҳлил қилинган. Олимларнинг ёндашувлари қиёсланиб, мавжуд таърифларда сўроқнинг ахборот олиш хусусияти етарлича ифодаланган бўлса-да, унинг процессуал шакли, ваколатли субъектлари, сўроқ қилинувчининг ҳуқуқлари, вербал ва новербал коммуникация, кўрсатувларни қайд этиш, текшириш ва баҳолаш каби белгилар ҳар доим ҳам комплекс қамраб олинмаганлиги кўрсатилган.

Шу асосда “сўроқ қилиш” — жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш, текшириш, аниқлаштириш ва тўлдириш мақсадида ваколатли процессуал субъект томонидан қонунда белгиланган шакл ва кафолатларга риоя этган ҳолда, сўроқ қилинувчи шахс билан бевосита ёки ахборот-коммуникация технологиялари воситасида амалга ошириладиган, вербал ва новербал ахборот алмашинувига асосланган ҳамда унинг натижаларини белгиланган процессуал тартибда қайд этиш билан якунланадиган билиш-коммуникатив хусусиятга эга тергов ҳаракати, деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Биринчи бобнинг **“Сўроқ қилиш тергов ҳаракатининг турлари ва уларнинг тактик хусусиятлари”** деб номланган учинчи параграфида сўроқ қилишни таснифлашга оид назарий ёндашувлар танқидий таҳлил қилинган. Сўроқни фақат битта мезон бўйича таснифлаш унинг процессуал ва тактик хусусиятларини тўлиқ очиб бермаслиги асосланиб, сўроқ қилинувчининг процессуал мақоми ва ёши, сўроқнинг кетма-кетлиги, олинадиган ахборот хусусияти, иштирокчилар таркиби, тергов вазияти, мулоқот шакли ва қўлланиладиган технологиялар, функционал мақсади ҳамда процесс босқичларидан келиб чиқувчи комплекс таснифлаш мезонлари такомиллаштирилган.

Тадқиқотда дастлабки, қўшимча ва қайта сўроқ қилишнинг мақсади ва процессуал вазифалари фарқланиши кўрсатилган. Қўшимча сўроқ аввалги кўрсатувларни тўлдириш, ўзгартириш ёки аниқлаштиришга қаратилса, қайта сўроқ аввалги кўрсатувларнинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги ва процессуал қонунийлигини текшириш, жиддий зиддиятларни бартараф этиш ёки аввалги сўроқ натижаларини шубҳа остига қўювчи ҳолатларни аниқлаш мақсадида ўтказилиши асосланган.

Шу асосда “қайта сўроқ қилиш” га муаллифлик таърифи берилган ҳамда ЖПКнинг 108-моддасини “Қўшимча ва қайта сўроқ” деб қайта таҳрир қилиш, қўшимча ва қайта сўроқнинг асосларини қонунда алоҳида белгилаш таклиф этилган.

Диссертациянинг **иккинчи боби** “Сўроқ қилишни ўтказишнинг процессуал-криминалистик асослари ва тактик хусусиятлари” деб номланган бўлиб, унда сўроқ қилишни ўтказишнинг процессуал тартиби ва тактикани қўллаш кафолатлари, сўроққа тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тактикаси, замонавий усуллар ҳамда тергов амалиётида мавжуд муаммолар тадқиқ этилган.

Бобнинг “**Сўроқ қилишни ўтказишнинг процессуал тартиби ва тактикани қўллаш кафолатлари**” деб номланган биринчи параграфида сўроқ қилишнинг процессуал тартиби ўзаро боғлиқ ҳаракатлардан ташкил топган ягона механизм сифатида баҳоланган. Процессуал қоидалар тактик усулларни қўллашнинг ҳуқуқий чегараларини белгилаши, тактика эса ушбу чегаралар доирасида сўроқ қилиш мақсадига самарали эришишни таъминлаши кўрсатилган.

Сўроққа чақириш тартибини такомиллаштириш мақсадида ЖПКнинг 97-моддасида чақирув қоғози билан бир қаторда SMS-хабарнома, телефон, ижтимоий тармоқ ва бошқа замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиш имкониятини аниқ белгилаш, бунда чақирувнинг тегишли шахсга етказилганлиги фактини ишончли қайд этиш ва тасдиқлаш механизмини назарда тутиш таклиф қилинган.

Сўроқ давомийлиги бўйича ЖПКнинг 107-моддасини сўроқ узлуксиз тўрт соатдан ошмаслиги, камида бир соат дам олиш ва овқатланиш учун танаффусдан кейин давом эттирилиши, бир кунлик умумий давомийлик саккиз соатдан ошмаслиги, тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда эса сўроқ давомийлиги шифокор хулосаси асосида индивидуал белгиланиши ҳақидаги қоидалар билан қайта шакллантириш таклиф этилган.

Шахснинг конституциявий ҳуқуқларини кучайтириш нуқтаи назаридан ҳеч ким ўзига, оила аъзоларига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатув беришга мажбур эмаслиги, бундай ҳолатда кўрсатув беришдан бош тортганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоидани жиноят-процессуал қонунчиликда мустақил принцип даражасида мустаҳкамлаш зарурлиги асосланган.

Сўроқ жараёни ва натижаларини қайд этишга оид ЖПКнинг 106-моддасини такомиллаштириш бўйича сўроқ қилинувчи томонидан тузилган чизма, схема, расм, диаграмма ва бошқа тасвирий материалларни баённомага илова қилиш имкониятини тўғридан-тўғри белгилаш таклиф этилган. Шунингдек, сўроқ қилинувчининг илтимосига кўра баённома имзоланишидан олдин аудио ёки видеоёзувни эшиттириш ёхуд намойиш қилиш, аудиовизуал ёзув билан баённома ўртасида жиддий тафовут аниқланган тақдирда унинг сабабларини аниқлаш ва тегишли процессуал тартибда бартараф этиш механизмини мустаҳкамлаш зарурлиги асосланган.

Жисмоний нуқсони бўлган шахсларни сўроқ қилиш бўйича ЖПКнинг 98-моддасини тегишли қоидалар билан тўлдириш ва бу тоифа шахсларни сўроқ қилиш хусусиятларини белгилайдиган алоҳида 108^{1}-моддани киритиш, сўроқда мутахассис, таржимон ёки сурдотаржимон иштирокини таъминлаш,

шахс учун мақбул коммуникация воситаларидан фойдаланиш ҳамда зарур ҳолларда жараённи аудио-видеоёзув орқали қайд этиш назарда тутилган.

Иккинчи бобнинг **“Сўроқ қилишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тактикаси: замонавий усуллар ва амалиётдаги муаммолар”** деб номланган иккинчи параграфида сўроққа тайёргарлик кўриш, жиноят иши материалларини ўрганиш, сўроқ қилинувчи шахс ҳақида маълумот тўплаш, тергов вазиятини баҳолаш, сўроқ мақсади ва вазифаларини белгилаш, режалаштириш, психологик алоқа ўрнатиш, эркин баённи ташкил этиш, саволларни шакллантириш, хотирани фаоллаштириш, версияларни текшириш, далиллардан фойдаланиш ва зиддиятли кўрсатувлар билан ишлаш масалалари таҳлил қилинган.

Олимларнинг сўроқ тактикасига оид ёндашувлари таҳлил қилиниб, замонавий сўроқ тактикаси алоҳида тактик усуллар йиғиндиси эмас, балки процессуал кафолатлар, криминалистик тавсиялар, психологик қонуниятлар, ташкилий чоралар ва ахборот технологияларини ўзаро уйғунлаштирувчи комплекс тизим эканлиги асосланган. Шу асосда “сўроқ қилиш тактикаси” — сўроқ қилинувчининг процессуал мақоми ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ, холис ва ишончли кўрсатув олиш мақсадида қонун доирасида танланадиган ва қўлланиладиган криминалистик, психологик, ташкилий ҳамда ахборот-технологик усуллар ва воситалар тизими, деган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижасида сўроқ қилишнинг такомиллаштирилган тактик алгоритми ишлаб чиқилган: “тайёргарлик кўриш – сўроқ қилинувчи шахсни ўрганиш – тергов вазиятини баҳолаш – психологик алоқа ўрнатиш – эркин баённи тинглаш – аниқлаштирувчи саволлар бериш – хотирани когнитив фаоллаштириш – тергов версияларини текшириш – далиллардан стратегик фойдаланиш – кўрсатувлардаги зиддиятларни аниқлаш – жараённи аудиовизуал қайд этиш – натижаларни таҳлил қилиш”. Ушбу алгоритм сўроқни тайёрлаш, ўтказиш ва натижаларини баҳолашни ягона мантиқий тизимга бирлаштиришга қаратилган.

Психологик алоқа сўроқнинг алоҳида тактик усули сифатида эмас, балки бошқа тактик усулларни самарали қўллаш имконини берувчи коммуникатив асос сифатида баҳоланган.

Шу муносабат билан хорижий тадқиқотларда шаклланган далиллардан стратегик фойдаланиш (Strategic Use of Evidence) ёндашувини миллий тергов амалиётига мослаштириш таклиф қилинган. Унга кўра, терговчи мавжуд далилларнинг барчасини сўроқ қилиш бошида ошкор қилмайди, аввало шахснинг воқеа ҳақидаги мустақил версиясини олади, кейин далилларни режали ва босқичма-босқич тақдим этиб, кўрсатувларнинг барқарорлиги ва мавжуд маълумотларга мувофиқлигини текширади. Бунда мазкур усул шахсни иқрорликка мажбурлаш воситаси эмас, балки кўрсатувларни объектив текширишга хизмат қилувчи тактик ёндашув сифатида талқин қилинган.

Тадқиқотда сўроқ қилиш жараёнида психологик алоқа ўрнатиш, эркин баённи ташкил этиш, хотирани фаоллаштириш, саволлар бериш ҳамда

далиллардан фойдаланишнинг замонавий тактик усуллари комплекс таҳлил қилинган. Психологик алоқа терговчига нисбатан шахсий ишончни шакллантириш эмас, балки сўроқ қилинувчи билан ўзаро ҳурмат ва тушунарли мулоқот асосида иш учун аҳамиятли маълумотларни эркин олиш имконини берувчи динамик коммуникатив ҳолат эканлиги асосланган. Бунда психологик алоқа сўроқ давомида ўзгариб бориши, унинг самарадорлиги эса сўроқ қилинувчининг индивидуал-психологик хусусиятлари ва терговчининг мулоқотни ташкил этиш маҳоратига боғлиқлиги кўрсатилган.

Сўроқ қилинувчининг хотирасида сақланган маълумотларни тўлиқроқ тиклаш мақсадида когнитив интервью (Cognitive Interview) усулининг криминалистик имкониятлари тадқиқ этилган. Мазкур усул воқеа содир бўлган шароитни фикран қайта тиклаш, шахсга эслаган барча тафсилотларни мустақил баён қилиш имконини бериш, воқеалар кетма-кетлигини турлича эслаш ҳамда хотиранинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишга асосланиши кўрсатилган. Жумладан, йўл-транспорт ҳодисасига гувоҳ бўлган шахс айрим тафсилотларни эслай олмаган ҳолатда унга кетма-кет ёпиқ саволлар бериш ўрнига, воқеа содир бўлган вақт, жой ва атроф-муҳитни фикран қайта тиклашга қаратилган очиқ саволлардан фойдаланиш ахборот олиш имкониятларини кенгайтириши асосланган. Шу асосда когнитив интервьюнинг илмий асосланган элементларини миллий жиноят-процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ тергов амалиётига мослаштириш таклиф этилган.

Шунингдек, зиддиятли кўрсатувларни текширишда шахснинг асабийлашиши, кўзини олиб қочиши ёки нутқидаги танаффусларни ёлғон кўрсатувнинг мустақил белгиси сифатида баҳолаш илмий жиҳатдан етарлича асосланмаганлиги кўрсатилган. Бундай ҳолатларда сўроқ қилинувчининг хулқ-атворига субъектив баҳо беришдан кўра, кўрсатувларнинг мазмунини ишдаги бошқа далиллар билан тизимли таққослаш устувор аҳамиятга эгалиги асосланган. Далиллардан стратегик фойдаланиш усулини қўллашда шахснинг дастлабки мустақил версиясини олиш, кейин эса мавжуд далилларни режали ва босқичма-босқич тақдим этиш орқали кўрсатувларнинг ишончлилигини текшириш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келинган.

Тадқиқот доирасида ўрганилган жиноят ишлари ва суд қарорлари таҳлили сўроқ қилишдаги тактик камчиликлар айрим ҳолларда далилларнинг нотўғри баҳоланишига сабаб бўлишини кўрсатган. Хусусан, Сирдарё вилоятида Жиноят кодексининг 109-моддаси билан боғлиқ жиноят иши мисолида айбловни бошқа объектив далиллар билан етарлича тасдиқланмаган кўрсатувларга асослаш муаммоси таҳлил қилинган. Мазкур ҳолат сўроқ натижаларини мустақил ва етарли далил сифатида қабул қилишдан олдин уларни бошқа маълумотлар билан қиёсий текшириш, қарама-қаршиликларни аниқлаш ҳамда муқобил тергов версияларини баҳолаш зарурлигини кўрсатади.

Шу асосда сўроқ қилиш тактикасининг самарадорлигини фақат олинган кўрсатувлар ҳажми ёки айбни тан олиш ҳолати билан эмас, балки

ахборотнинг тўлиқлиги, холислиги, текширилиши мумкинлиги ва ишончлилиги билан баҳолаш зарурлиги асосланган. Тактик усулларни танлашда қонунийлик, илмий асосланганлик, ахлоқий мақбуллик ва олинган натижанинг ишончлилиги ўзаро боғлиқ мезонлар сифатида белгиланган.

Диссертациянинг **учинчи боби** “Сўроқ қилиш тактикасини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” деб номланган бўлиб, унда хорижий мамлакатларда сўроқ қилишнинг замонавий ёндашувлари ва илғор тажрибаси, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида сўроқ қилиш тактикасини такомиллаштириш имкониятлари қиёсий ва криминалистик нуқтаи назардан тадқиқ этилган.

Бобнинг “**Хорижий мамлакатларда сўроқ қилишнинг замонавий ёндашувлари ва илғор тажрибаси**” деб номланган биринчи параграфида Германия, АҚШ, Англия, Франция, Италия, Норвегия, Япония, Корея Республикаси, Сингапур, Австралия, Бразилия, Эстония, Босния ва Герцеговина, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Арманистон, Украина, Молдова, Озарбайжон ва Бирлашган Араб Амирликларининг сўроқ қилишга оид қонунчилиги ва амалиёти ўрганилган.

Хорижий тажрибада сўроқ қилинувчининг ҳуқуқларини тушунтириш, ҳимоячи иштирокини таъминлаш, сўроқ давомийлигини чеклаш, аудиовизуал қайд, когнитив интервью, PEACE каби ахборот олишга йўналтирилган моделлар ва далиллардан стратегик фойдаланиш каби механизмларга алоҳида эътибор қаратилиши аниқланган. АҚШ ва Англия суд амалиётида тарафларнинг қарама-қарши сўроғи кўрсатувларнинг ишончлилигини текшириш воситаси эканлиги, БАА қонунчилигида дастлабки сўроқ, қарама-қарши тараф томонидан сўроқ ва қайта сўроқнинг муайян кетма-кетлиги белгиланганлиги таҳлил қилинган.

Учинчи бобнинг “**Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш асосида сўроқ қилиш тактикасини такомиллаштириш**” деб номланган иккинчи параграфида аудио- ва видеоёзув, масофавий сўроқ қилиш, электрон баённома, автоматик транскрипция, электрон маълумотларни сақлаш ва уларнинг яхлитлигини таъминлаш, шунингдек сунъий интеллект технологияларидан ёрдамчи восита сифатида фойдаланишнинг процессуал, ташкилий ва тактик имкониятлари тадқиқ этилган.

ЖПКга “Сўроқ жараёни ва натижаларини соддалаштирилган тартибда қайд қилиш” деб номланган 107[1]-моддани киритиш, сўроқ узлуксиз аудио- ёки видеоёзувга қайд этилган ҳолларда соддалаштирилган баённомадан фойдаланиш имкониятини белгилаш таклиф қилинган.

Диссертацияда “масофавий сўроқ қилиш” сўроқ қилувчи ва сўроқ қилинувчи турли жойларда турган ҳолда, уларнинг реал вақт режимида бевосита аудиовизуал мулоқотини, шахсни ишончли идентификация қилиш ва процессуал ҳуқуқларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини ҳамда сўроқ жараёни ва натижаларининг мажбурий техник қайд этилишини таъминловчи ахборот-коммуникация технологиялари воситасида ўтказиладиган сўроқ қилишнинг процессуал шакли сифатида тавсифланган.

Шунингдек, халқаро ҳуқуқий ёрдам доирасида хорижий давлат ҳудудида турган шахсни Ўзбекистонга чақирмасдан масофадан туриб сўроқ қилиш тартибини белгилаш мақсадида ЖПКга 593[1]-моддани киритиш таклиф этилган.

Сўроқ натижаларини расмийлаштиришда электрон баённома ва автоматик транскрипция технологияларидан фойдаланиш имкониятлари асосланган. Оғзаки нутқни автоматик равишда матнга айлантиришга йўл қўйиш, бироқ автоматик шакллантирилган матн терговчи ва сўроқ қилинувчи томонидан текширилмасдан процессуал ҳужжат мақомига эга бўлмаслиги, аудио-видеоёзув билан транскрипция ўртасида тафовут мавжуд бўлганда эса аудиовизуал ёзувга устувор аҳамият бериш зарурлиги кўрсатилган. Электрон маълумотларнинг яратилган вақти, манбаси, яхлитлиги ва ўзгартирилмаганлигини текшириш имконини берувчи техник-ташкилий механизмларни жорий этиш зарурлиги асосланган.

Сунъий интеллект технологияларидан сўроқ жараёнида нутқни автоматик матнга айлантириш, аудио-видеоёзувларни тизимлаштириш, аввалги ва кейинги кўрсатувларни ўзаро таққослаш, мазмуний фарқ ва зиддиятларни аниқлаш, жиноят ишидаги маълумотларни тезкор излаш ҳамда сўроқ натижаларини таҳлил қилишда ёрдамчи ахборот-таҳлилий восита сифатида фойдаланиш мумкинлиги асосланган.

Тадқиқот натижасида “рақамли сўроқ қилиш” ни сўроқ қилишнинг янги мустақил тури сифатида эмас, балки анъанавий сўроқ институтининг аудиовизуал қайд, масофавий мулоқот, электрон баённома, автоматик транскрипция, электрон идентификация ва сунъий интеллектга асосланган ёрдамчи воситалар билан таъминланган замонавий процессуал-технологик кўриниши сифатида тушуниш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулосага келинган. Рақамли технологиялар сўроқнинг ҳуқуқий табиатини ўзгартирмаслиги, балки уни ташкил этиш, қайд этиш, текшириш ва таҳлил қилиш имкониятларини кенгайтириши асосланган.

ХУЛОСА

Сўроқ қилиш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикасини такомиллаштиришни тадқиқ этиш натижасига кўра, қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Жиноят-процессуал ҳуқуқ ва криминалистика назариясини ривожлантириш бўйича илмий хулосалар:

1. Сўроқ қилиш бўйича муаллифлик таърифини бериш таклиф этилди:

*“**Сўроқ қилиш** - жиноят иши учун аҳамиятга эга бўлган маълумотларни олиш, текшириш, аниқлаштириш ва тўлдириш мақсадида ваколатли процессуал субъект томонидан қонунда белгиланган шакл ва кафолатларга риоя этган ҳолда, сўроқ қилинувчи шахс билан бевосита ёки ахборот-коммуникация технологиялари воситасида амалга ошириладиган, вербал ва новербал ахборот алмашинувига асосланган ҳамда унинг*

натижаларини белгиланган процессуал тартибда қайд этиш билан якунланадиган билиш-коммуникатив хусусиятга эга тергов ҳаракатидир”.

2. Сўроқ қилиш тактикаси тушунчаси такомиллаштирилди.

*“**Сўроқ қилиш тактикаси** - сўроқ қилинувчининг процессуал мақоми ва индивидуал-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўлиқ, холис ва ишончли кўрсатув олиш мақсадида қонун доирасида танланадиган ва қўлланиладиган криминалистик, психологик, ташкилий ҳамда ахборот-технологик усуллар ҳамда воситалар тизимидир”*.

3. Ўзбекистон ҳудудида сўроқ қилиш институтининг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши тарихини шартли равишда **беш босқичга** ажратиш таклиф этилди: *Дастлабки ҳуқуқий шаклланиш босқичи* - қадимги даврдан милодий IX асрга қадар; *Ислом ҳуқуқи асосида шаклланиш босқичи* - IX асрдан XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар; *Чор Россияси процессуал қонунчилиги асосида шаклланиш босқичи* - XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1917 йилга қадар; *Совет жиноят-процессуал қонунчилиги асосида кодификациялаш босқичи* - 1917–1991 йиллар; *Миллий жиноят-процессуал қонунчилик асосида такомиллашув босқичи* - 1991 йилдан ҳозирга қадар.

4. Сўроқ қилишни ягона мезон эмас, балки комплекс мезонлар асосида таснифлаш зарурлиги асослантирилди.

Сўроқ қилишни: сўроқ ўтказувчи субъектига; сўроқ қилинувчининг процессуал мақомига; ёшига; ўтказилиш кетма-кетлигига, сўроқ предмети ва олинадиган ахборот ҳажмига; кўрсатувларнинг шаклланиш хусусиятига; тергов вазиятига; иштирокчилар таркибига; коммуникация усулига; ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш хусусиятига; исботлашдаги функционал мақсадига; жиноят процесси босқичига; сўроқ қилинувчининг коммуникацион ва индивидуал хусусиятларига қараб ўтказилиши каби мезонлар бўйича таснифлаш таклиф этилди.

